

ТРАНСПОРТ СОҲАСИДА ИНСТИТУЦИОНАЛ БОШҚАРУВ ВА ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ-ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Алланазарова Дилафруз Абдуғани қизи
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
мустақил изланувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада транспорт тармоғида давлатнинг тартибга солувчи (регулятор) функцияларини хўжалик-тижорат фаолиятдан ажратиш ҳамда маъмурий-буйруқбозлик усулларида бозор иқтисодиётига асосланган институционал моделларга ўтиш масалалари таҳлил қилинган. Тадқиқотда Вазирлар Маҳкамаси, Транспорт вазирлиги, Транспорт назорати инспекцияси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги ваколатлар тақсими, улардаги бюрократик тўсиқлар ва молиявий-институционал коллизиялар очиб берилган.

Калит сўзлар: Институционал бошқарув, регулятор функцияси, ваколатлар тақсими, Транспорт вазирлиги, децентрализация, таваккалчиликни баҳолаш, рақамли назорат, минтақавий интеграция, бюрократияни мақбуллаштириш, сунъий интеллект.

Давлатнинг тартибга солувчи (регулятор) функцияларини хўжалик-тижорат фаолиятдан катъий ва шаффоф ажратиш зарурати, ўз навбатида, транспорт тармоғини бошқаришнинг эскича маъмурий-буйруқбозлик усулларида бутунлай воз кечиб, бозор қонуниятларига асосланган мослашувчан янги институционал моделларга ўтишни бевосита тақозо этади. Замонавий давлатчилик шароитида транспорт тармоғини тартибга солиш жараёни эскича маъмурий-буйруқбозлик усулларида бутунлай воз кечган ҳолда, бозор иқтисодиёти қонуниятларига асосланган, мослашувчан ва марказлаштирилмаган бошқарув моделларига ўтишни тақозо этмоқда. Бунда давлат фақатгина назоратчи функциясини бажармасдан, балки стратегик режалаштирувчи, ресурсларни тақсимловчи ва турли мулк шаклидаги субъектлар учун тенг рақобат муҳитини яратувчи бош реформатор сифатида намоён бўлмоқда. Ушбу ўтиш давридаги энг мураккаб вазифалардан бири, шубҳасиз, давлат органларининг ваколат доираларини аниқ чегаралаш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва институционал бошқарувни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашдир.

Ўзбекистонда транспорт соҳасидаги давлат бошқарувининг энг юқори институционал бўғинини Вазирлар Маҳкамаси ташкил этади ва унинг ваколатлари стратегик аҳамиятга молик қарорлар қабул қилишга қаратилган. Ижро этувчи ҳокимиятнинг олий органи сифатида Ҳукумат транспорт соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди, республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда транспорт инфратузилмасини шакллантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб беради. Ваколатларнинг бундай юқори даражада мустаҳкамланиши тармокни ривожлантиришда

макроиқтисодий мувозанатни сақлаш, йирик инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш ва давлат-хусусий шерикликни кенг жорий этиш кафолати сифатида хизмат қилади. Шунга қарамай, Ҳукуматнинг вазифаси бевосита хўжалик фаолиятига аралаштириш эмас, балки тармоқнинг умумий ҳуқуқий ва иқтисодий контурини яратишдан иборатдир.

Тармоқни бошқаришнинг марказий институционал субъекти бу —Транспорт вазирлиги ҳисобланиб, у ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи, барча турдаги транспорт воситаларининг ўзаро боғлиқ ҳолда фаолият юритишини таъминловчи махсус ваколатли органдир. Ушбу идора нафақат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади, балки транспорт соҳасидаги фаолиятни ташкил этиш, хавфсизликни таъминлаш, кадрлар тайёрлаш ва рақамлаштириш жараёнларини бевосита бошқаради. Вазирликнинг ваколатлари тақсимоотида энг муҳим жиҳат шундан иборатки, унга лицензиялаш, рухсат бериш ва сертификатлаштириш каби маъмурий-ҳуқуқий воситалар орқали бозор субъектлари фаолиятини тартибга солиш ваколати берилган бўлиб, бу ўз навбатида транспорт хизматлари бозорида эркин рақобат муҳитини сақлаб қолиш ва шу билан бирга давлат назоратини таъминлаш ўртасидаги нозик мувозанатни талаб этади.

Институционал тизимнинг яна бир муҳим бўғини сифатида давлат назоратини амалга оширувчи тузилмаларни, хусусан, Транспорт назорати инспекциясини кўрсатиш жоиз. Бундай тузилмаларнинг асосий вазифаси фақатгина жазолаш эмас, балки ташувлар хавфсизлигини таъминлаш, стандартларга риоя этилишини текшириш ва бахтсиз ҳодисаларни олдини олишга қаратилган профилактик чораларни кўришдир. Шу ўринда олим Н.Н.Зенина томонидан тадқиқ этилган транспорт компанияларидаги эндоген ноаниқлик ва ташкилий патологиялар, жумладан, бюрократлашув ҳамда қарор ва унинг ижроси ўртасидаги узилиш муаммоси билан баҳсга кириштириш мақсадга мувофиқдир. Унинг фикрича, назорат ва бошқарув функцияларининг ҳаддан ташқари кўп қоғозбозлик ва йиғилишларга асосланиши тизимнинг ички беқарорлигини оширишини таъкидлайди. Бизнингча ҳам, Ўзбекистон шароитида назорат органларининг ваколатларини оптималлаштириш, уларни ортиқча бюрократиядан халос қилиб, фақатгина таваккалчиликни баҳолашга асосланган рақамли назорат моделларига ўтказиш давлат бошқарувининг энг долзарб вазифасидир.

Ваколатлар тақсимоотида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўрни ҳам стратегик жиҳатдан беқиёс аҳамиятга эга. Қонунчиликка мувофиқ, маҳаллий ҳокимликлар ўз ҳудудларида транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, хўжаликлараро кишлоқ йўллари саклаш, йўловчи транспортдан фойдаланиш учун имтиёзли тарифлар жорий этиш ва йўл ҳаракатини мониторинг қилиш ваколатларига эгадирлар. Бироқ, институционал амалиётда кўпинча марказий бошқарув органлари ва маҳаллий ҳокимликлар ўртасида молиялаштириш ва масъулият борасида коллизиялар кузатилади. Марказлаштирмаслик тамойили маҳаллий органларга кенг ваколатлар беришни талаб қилса-да, маҳаллий бюджетнинг чекланганлиги уларнинг бу ваколатларни тўлақонли бажаришига монелик қилади. Бу эса, тизимли бошқарувда

молиявий мустақилликсиз берилган ваколатларнинг самара бермаслигини яққол тасдиқлайди.

Халқаро ва минтақавий миқёсдаги институционал бошқарув масалаларини таҳлил қилганда, А.А.Зоҳидовнинг Марказий Осиё транспорт тизимини самарали бошқариш механизмига доир тадқиқотидаги хулосалар яққол кўзга ташланади. У минтақа давлатлари ўртасида транспорт сиёсатини мувофиқлаштирувчи ягона институционал марказнинг йўқлиги, бу эса ўз навбатида, транзит ташувларида келишмовчиликлар ва тарифлар бўйича зиддиятларни келтириб чиқараётганини асослаб берган. Мазкур фикрни маъқуллаган ҳолда, қайд этиш лозимки, миллий институционал тизим қанчалик мукамал бўлмасин, агар у минтақавий транспорт интеграцияси билан ҳамоҳанг ривожланмаса, давлат ўзининг транзит салоҳиятини тўла рўёбга чиқара олмайди. Шу боис, миллий қонунчиликда халқаро транспорт институтлари билан ҳамкорлик қилиш ваколатларини нафақат марказий аппаратга, балки чегараолди ҳудудларнинг маҳаллий органларига ҳам қисман бериш мақсадга мувофиқдир.

Институционал бошқарув тизимини рақамлаштириш ва инновацион технологиялар орқали трансформация қилиш бугунги куннинг энг асосий талабидир. А.С.Кучаровнинг транспорт логистикасини ривожлантириш тенденцияларига бағишланган тадқиқотларида қайд этилганидек, божхона ва чегара постларидаги бюрократик тўсиқларни камайтириш учун электрон маълумот алмашинувини таъминловчи ягона дарча ҳамда минтақавий транспорт порталларини яратиш зарур.

Бизнинг наздимизда, рақамлаштириш бу шунчаки техник восита эмас, балки ваколатларни қайта тақсимловчи қудратли институционал омилдир. Тизимлар автоматлашгани сари, оралиқ бошқарув бўғинларига бўлган эҳтиёж йўқолади, бу эса коррупцион хавфларни кескин камайтиради ва давлат хизматларини кўрсатиш тезлигини оширади. Ҳукукий жиҳатдан эса, сунъий интеллект ва рақамли алгоритмларнинг қарор қабул қилишдаги иштирокини легитимлаштириш ва уларнинг натижалари юзасидан юридик жавобгарлик масалаларини қонунчиликда акс эттириш кечиктириб бўлмас вазифадир.